

## ХАБАРЛАР

# Ҳисобот: Россияда банк тизими кутилмаганда инқирозга учрашиши мумкин

дақиқа аввал



Reuters агентлиги, Европа давлатларидан бирининг разведка хизмати тайёрлаган ёпиқ ҳисоботда Россияда банк тизими кутилмаганда "портлаши", яъни инқирозга учраши мумкинлиги айтилганини хабар қилмоқда.

Ҳисобот билан танишган агентликка кўра, муаллифлар буни банклар ҳарбий иқтисодиёт харажатининг тобора каттароқ қисмини ўз зиммасига олаётгани билан изоҳлайди.

"Россияда 2026 йилда банк инқирози эҳтимоли ҳақида ёзма маълумот" деб номланган икки саҳифали ҳисобот июнь ойида Европа Иттифоқининг 21-

санкциялар пакети тайёрланаётган пайтда европалик амалдорларни хабардор қилиш учун тайёрлангани айтилмоқда.

Ҳисоботга кўра, Россия ҳукумати банкларни мудофаа корхоналари, минтақавий давлат лойиҳалари ва уй-жой харидорларига субсидияланадиган кредитлар беришга мажбур қилмоқда.

*"Вазият жўшқин иқтисодиёт иллюзиясини яратмоқда, аммо аслида у банкларга қарши кенг кўламли санкциялар пакети каби иқтисодий зарба қўзғатиши мумкин бўлган портлаш ёқасидаги вазиятни яширмоқда",* дея ҳужжатдан иқтибос келтирди агентлик.

Ҳисоботда корпоратив кредитларнинг 10 фоизи шубҳали деб баҳоланаётгани қайд этилган. Бу 2024 йилга нисбатан кескин ўсишдир. Айрим йирик банкларда қайтмайдиган чакана кредитлар улуши 2025 йилда 15 фоизга етган.

Ҳисоботга кўра, ўтган йили Россияда 500 мингдан ортиқ одам молиявий ночор, деб топилган, бу бир йил олдинги кўрсаткичдан қарийб учдан бирга кўп. Шунингдек, 13 миллиондан ортиқ одам бир вақтнинг ўзида камида учта кредит тўлаётгани қайд этилган.

Россия Марказий банки Reuters агентлигининг мазкур ҳисобот бўйича изоҳ бериш сўровига жавоб бермаган.

Европа Иттифоқининг 21-санкциялар пакети июль ойида қабул қилиниши мумкин.

Reuters маълумотига кўра, янги санкцияларга қарийб 90 та банк тушиши мумкин. Бу ҳолда халқаро алоқаларга эга Россия банкларининг ярмидан кўпи чеклов остида қолади.

Бундан ташқари, пакетга криптовалюта тармоқлари, дрон ишлаб чиқарувчилар, нефть савдоси билан шуғулланувчи компаниялар ва нефтни қайта ишлаш заводлари ҳам киритилиши мумкинлиги айтилмоқда.